Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 23 октябрь, чоршанба • №84 (11.472) • Эркин нархда сотилади

# ҲАМФИКРЛИК ҲАМКОРЛИККА, ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

**20 октябрь куни Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**



Душанба куни "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Александер Квасневскийнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Польша раҳбарининг Ўзбекистонга бу ташрифи ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган пайтга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Шу жиҳатдан уни тарихий ташриф деб аташ мумкин.

Ўзбекистон ва Польша расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон аҳли Польшадаги жараёнларни диққат билан кузатиб келаётгани, ушбу мамлакатнинг имконият ва салоҳиятини, айниқса, бозорислоҳотларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи сафидан жой олиш борасидаги ютуқларидан яхши хабардорлигини таъкидлади. Бугунги учрашувлар эса шундай давлат билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир бир неча таклифни ўртага ташлади.

Сиёсат борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг қуйи органлари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос. Хусусан, экология муаммолари ва интеграцияни кенгайтириш борасида Ўзбекистон билан Польшанинг ҳамфикрлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатларимиз номи зикр этилган ташкилотларда бир минтақа ичига олинган. Хавфсизлик масаласига келганда, НАТО аъзоси бўлган Польша билан кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш, махсус бўлинмалар тузиш каби ишларда самарали ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш мумкин.

Савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар тўғрисида сўзлар экан, Президент Ислом Каримов бу борадаги кўрсаткичлардан икки томон ҳам қониқмаслигини таъкидлади. Бу табиий. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳолбуки, иқтисодий ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кучли ҳуқуқий асос ҳам яратилган. Президент Ислом Каримовнинг 1995 йили Польшага буюрган расмий ташрифи чоғида ишбилармонлар фаолияти учун ўзаро имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш тўғрисида келишиб олинган эди. Лекин таъкидланганидек, ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида эмас.

Ислом Каримов тўқимачилик, қурилиш, энергетика, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, мебел ва рангли металлар каби товарлар айирбошланиши жуда фойдали эканлигини таъкидлади. Польша сармоядорларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

Ўз даврида Польша қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар ясашга муваффақ бўлган эди. Ҳозир мамлакат бу соҳада маҳсулот етиштириш борасида дунёда юқори ўринлардан бирига чиқиб олган. Президент Ислом Каримов икки мамлакат фермерларининг ҳамкорлиги, тажриба алмашиши ҳам фойдадан холи бўлмаслигини қайд этди. Бу йўналиш номи зикр этилган саъй-ҳаракатлар билан бирга ривожлантирилса, гап икки мамлакатнинг ҳудудий-маъмурий бирликлари ўртасидаги бевосита алоқаларга бориб тақалади. Икки мамлакат ҳамкорлигининг ривожида уларнинг ўзаро муносабати қай даражада тараққий этгани муҳим ўрин тутади, албатта.

Айни пайтда авиация транспорти соҳасида ҳам ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Алоқалар тобора ривожланаётгани, борди-келди кўпайишини ҳисобга олиб, Тошкент билан Варшава ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш, кейинчалик транзит ҳисобига бу алоқаларни янада кенгайтириш имконияти мавжуд.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Польша халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларда бирга иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади. Хусусан, томонларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, Афғонистондаги тикланиш ишларида муваффақиятли иштирок этиш имконияти катта.

Булардан ташқари, маданий, илмий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш керак. Олий ўқув юртлари, маданият марказлари каби мазкур соҳаларда фаолият юритувчи турли муассасалар вакилларининг мулоқотлари, борди-келдиларини кўпайтирмоқ зарур. Зеро, мамлакатлараро муносабатлар ривожида "халқ дипломатияси", икки юрт одамларининг бир-бирини қанчалик яхши билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Польша томони ушбу таклифларнинг барчасини маъқуллади. Бу масалаларнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш икки мамлакатларнинг ҳукуматларига топшириладиган бўлди.

Польша Президенти Александер Квасневский Ўзбекистон билан нефт-газ ва энергетика саноати, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, экология, қайта ишлаш, қурилиш, жумладан, гидромуҳандислик ва коммуникация қурилиши соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Александер Квасневский сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ғоят фойдали бўлишини айтди. Бунинг натижасида ҳаво алоқаси кенгаяди ва халқларимиз бир-бирининг бой маданияти, бугунги ҳаёти ва ўтмиши билан яқинроқ танишади.

Таъкидламоқ керакки, Польша Президенти Ўзбекистонга ташрифи мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади. Унинг айтишича, Польшада ўз даврида бу қадимий шаҳарларга бериладиган сайёҳлик йўлланмалари жуда нуфузли бўлган. Ҳозир ҳам бу қадим шаҳарлар томошасига келгувчилар кам эмас. Музокаралар сўнггида бўлган матбуот анжуманида, А.Квасневский шу чоққача бу шаҳарларни кўришни орзу қилиб келганини ва Ўзбекистонга ташрифи туфайли шундай имконият пайдо бўлганидан беҳад мамнунлигини айтди.

Музокараларда олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг минтақада тутган муҳим ўрнига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистонни минтақадаги йирик давлатлардан бири деб билишини айтар экан, унинг барқарорликни сақлашдаги аҳамиятини қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон қўшнилар билан тинч-тотув яшашда ўрнак бўлмоқда. У ҳам истиқлолга эришди, ҳам фаоллик билан уни ҳар томонлама мустаҳкамламоқда. Халқаро иқтисодиётга муваффақият билан қўшилмоқда. Аксилтеррор операциясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон барқарорликни экспорт қилувчи мамлакатдир ва биз унинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли ҳамда мустақил сиёсатини беҳад эъзозлаймиз, деб алоҳида таъкидлади Польша раҳбари. Шу боис Польша НАТО аъзоси ва Европа Иттифоқининг бўлғуси аъзоси сифатида Ўзбекистон учун Европага очилган дарвоза бўлишга тайёр, деди А.Квасневский.

Бу гаплар бежиз эмас. Бир неча йил муқаддам Польша НАТОга қўшилиш истагини билдирганида, Ўзбекистон раҳбари ҳеч иккиланмай, ҳар қандай давлат ўзининг хавфсизлик концепциясини ўзи ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини айтган эди. Польша 2004 йилдан Европа Иттифоқи сафидан ҳам жой олади. Ўзбекистон буни ҳам маъқуллайди. Зеро, ҳозирги замон ҳар бир давлатдан ўзга мамлакатлар билан тенглик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни талаб қилади.

Музокаралар чоғида Польша раҳбари бундай муносабат учун Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистоннинг нуфузи, халқаро аксилтеррор курашига қўшаётган муносиб ҳиссаси муносабатларимизни ривожлантиришга ундайдиган қўшимча омиллар эканлигини таъкидлади.

Мулоқотлар давомида икки томон ҳам бир-бири учун очиқлигини, бир-бирини ҳурмат қилишини, тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида эканлигини, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга биргаликда хизмат қилишга шайлигини таъкидлади. Польша Президенти бундай жонли мулоқотларни кўпайтириш икки томон манфаатларига мос келишини айтиб, Ислом Каримовни ўз мамлакатига таклиф этди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг қўшма коммюникеси имзоланди. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши курашда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари музокара якунлари ҳақида сўзлар экан, томонларнинг кўрилган барча масалалар бўйича фикрлари бир жойдан чиққани, эндиги вазифа мана шу ҳамфикрликни амалиётга кенгроқ жорий қилишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

* * *

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Бухорога ташриф буюрди.

А.Квасневскийнинг қадимий Бухоро билан танишуви IV асрда бунёд этилган Арк қалъасидан бошланди. Сўнг олий мартабали меҳмон Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Минораи Калон, Мирараб мадрасаси масжиди, Лаби ҳовуз мажмуи каби тарихий обидаларни томоша қилди. Бухоро ҳунармандлари, зардўзлари, гиламбофлари, темирчилари, заргарлари ясаган буюмларнинг Тоқи Саррофон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон сингари қадимий савдо расталарида ташкил қилинган кўргазмалар билан танишди.

Шу куни меҳмон Самарқандга ташриф буюриб, бу қадим шаҳардаги Регистон мажмуи, Гўр Амир мақбарасини томоша қилди. Польша раҳбари Ўзбекистонда аждодлар хотираси, улар қолдирган улкан меросга эҳтиром кучли эканлигига амин бўлганини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Сиёб бозорига бориб, саховатли ўзбек заминида етиштирилган неъматлардан, Самарқанднинг машҳур нонларидан татиб кўрди.

Польша раҳбари Самарқандда истиқомат қилувчи поляклар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, барқарорлик, турли миллатга мансуб фуқароларнинг маданияти, тили, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор кучли эканлиги таъкидланди.

Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, А.Квасневский, жумладан, қуйидагиларни айтди:

— Бухоро ва Самарқанд ғоят гўзал шаҳарлар экан. Бу қадимий гўшаларга келишни кўпдан орзу қилардим. Польшада замонавий Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш қаторида унинг қадимги обидалари ва ноёб маданий меросига қизиқиш ҳам кучли. Ўйлайманки, серқуёш юртингизга ҳали минглаб сайёҳлар келиб, бу қадимий шаҳарларни зиёрат қилади ва оламолам таассуротлар олади.

***(ЎзА).***

***Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат. (ЎзА).***

● Шу сонга ● Шу сонга ● Шу сонга ●



# КАТТА КАРВОН — МАРРАДА

**«Ниёзбош» — Янгийўл туманидаги энг кўп пахта берадиган йирик хўжаликлардан бири. Бу йил ширкат хўжалиги пудратчилари 1120 гектар майдонда яхши ҳосил етиштирдилар.**

Улар йиғим-терим мавсумининг бошларидаёқ пешқадамликни қўлга олиб, давлатга пахта сотиш режасини туманда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар майдондан 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига 3131 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг 1000 тоннадан кўпроғи уруғлик учун қабул қилинди.

Асосий эътибор қўл теримига қаратилгани учун, мавсум қизғин паллага кирган кезларда кунига 3250 киши теримда қатнашди. Улар терган пахтанинг ҳар килограммига 30 сўмдан ҳақ тўланди. Абдуҳалил Рустамов, Эронбой Хўжанов, Қўчқор Аҳмедов бош бўлган пудратчилар 32-35 центнердан хирмон кўтардилар.

Хўжаликда йиғим-терим давом этмоқда. Жамила Путаева, Муқаддам Абдумавлонова, Муқаддас Акромова сингари чевар теримчилар ҳозир ҳам кунига хирмонга 100 килограммдан ошириб пахта тўкмоқдалар.

*СУРАТДА: (чапдан ўнгда) илғор теримчи Жамила Путаева, бош пудратчи Ортиғали Болтабоев, теримчи Муқаддас Акромова.*

# ГУЛИСТОНЛИКЛАР ҲАМ ДОВОН ОШДИЛАР

**Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги пахтакорлари туманда биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар.**

1200 гектар майдонда 3173 тонналик хирмон уйдилар. Ҳосилнинг 75 фоизи биринчи навга топширилди. Унинг 1100 тоннасини уруғлик пахта ташкил этади.

Бу ютуққа ҳар бир пудратчи ўз улушини қўшди. Айниқса, хўжаликнинг Эржон Абдувалиев, Сейдон Юсупов, Шоир Ҳамидов, Шарифа Ҳамидова, Бегали Бойбўсинов, Шавкат Зокиров бош пудратчи бўлган бригадаларнинг деҳқонлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Гулистонликлар йиғим-теримни давом эттириб, ҳосилдорликни яна 2-3 центнерга ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

***Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.***

# ҲАМОН СУРЪАТ ЖАДАЛ

**Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги пудратчилари йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бориб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини Ўртачирчиқ туманида биринчилар қаторида бажардилар.**

Бугунги кунгача 690 гектар майдондан 2000 тоннага яқин хом ашё йиғиштириб олиниб, унинг асосий қисми юқори навларга топширилди.

— Пудратчиларимиз «Наманган — 77» ғўза навини парвариш қилишнинг ҳаддини олишган, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Сафарали Сотиболдиев. — Шу боис бу йилги шароит пахтачилик учун оғир келганига қарамай, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳақиқатан ҳам далаларда ҳосил мўл бўлгани учун режа бажарилса-да, йиғим-терим суръати пасайгани йўқ. Хўжалик аъзолари давлатга яна 200 тонна пахта топшириб, умумий ҳосилдорликни 30 центнердан оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

*СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бош пудратчи Тўлқин Бўрибоевга қарашли далаларда терим ҳамон қизғин. Бош ҳосилот Сафарали Сотиболдиев бош пудратчи ҳамда Маърифат Сармонова, Ҳафиза Ғаниева сингари кўп минг килограммчи теримчиларни дастлабки ғалаба билан табриклаш мақсадида бугун улар даласига ташриф буюрди.*

***Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.***



# ЕТМИШНИ КЎЗЛАШЯПТИ

**Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги давлатга 6800 тоннадан зиёд шоли топшириб, шартнома режасини 103 фоиздан ошириб адо этди.**

Иш юритишнинг ширкат усули ҳар жиҳатдан пухта жорий этилгани туфайли навоийликлар бир неча йилдан бери шартнома режасини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Бу йил ҳам 2458 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Хўжаликнинг олтита «Кейс» ва 20 тага яқин «Сибиряк» комбайни ёрдамида қарийб 2000 гектар майдондаги ҳосил ўриб-янчиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик 65 центнердан-га тўғри келаяпти. Озод Акбаров, Валерий Тхай, Омонгелди Мусаев, Абдуҳаким Ўринбоев бош бўлган пудратчилар эса 70-75 центнердан хирмон кўтардилар.

— 6800 тонна шолининг 800 тоннаси уруғлик учун қабул қилинди, — дейди хўжалик бошқарув раиси Турсунхўжа Искандаров. — Демак, даромадимиз ҳам ҳар йилгидан баракали бўлади. Молия ҳисоб маркази мутахассисларининг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда бу йил умумий даромад 1,8 миллиард сўмга етади.

Ҳақиқатан ҳам ҳали 500 гектарга яқин ўрилмаган шоли бор. «Кейс» ва «Сибиряк» комбайнлари ўримни қизғин давом эттирмоқда. Пировард мўлжал хўжалик бўйича умумий ҳосилдорликни 70 центнерга етказишдир.

***Ўз мухбиримиз.***

● Шу сонга ● Шу сонга ● Шу сонга ●

# ҚИЗҒИН ЎТДИ

Ҳашар

**«Экосан» халқаро жамғармасининг ташаббуси билан шу йилнинг 19 октябрь куни «Экология ва саломатлик» кунларининг учинчи босқичи ўтказилди. Халқимизнинг қадимий анъанасига мувофиқ умумхалқ ҳашари сифатида нишонланган бу шанбалик «Орол бўйи оналари ва болаларига» шиори остида ўтди.**

Ишлаб топилган барча маблағ бу экологик ночор минтақада яшаётган оналар ва болалар ижтимоий муҳофазасига, қариялар йили муносабати билан кекса авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилишга сарфланиши назарда тутилган эди. Шунинг учун ҳам хайрли ва савобли тадбирда кенг омма фаол қатнашди. Унда республикамиз бўйича 6 миллион киши иштирок этганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

Шанбаликда вилоятимизнинг юз минглаб меҳнаткашлари ҳам қатнашдилар. Улар шаҳарлар, туманлар ва барча аҳоли манзилларида тиклаш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришди. Уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш билан шуғулландилар. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар, маҳаллалар ҳудудлари чиқиндилардан тозаланди, металл парчалари йиғилди. Шу куни вилоятимиз шаҳарларида истиқомат қилаётган 105 минг нафардан ортиқ меҳнаткаш пахтакорлар ҳузурига бориб, етиштирилган «оқ олтин»ни теришда уларга ёрдам бердилар. Айниқса, Бекобод, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида ҳар бир корхона, ташкилотга маҳаллалар ва ҳудудлар биркитиб қўйилганлиги яхши самара берди. Уларда 50 мингдан ортиқ аҳоли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларида қатнашдилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

Қишга ҳозирлик

# ПАЙСАЛГА СОЛМАНГ, ТАШВИШИНИ ТОРТАСИЗ

**Қишли-қировли кунлар ҳам яқинлашиб келмоқда. У халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун катта синов даври бўлади. Шу сабабли бу мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади.**

Чирчиқликлар ҳам жорий йилда саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, барча муассасаларни, турли муҳандислик тармоқларини бундай ноқулай шароитда бир маромда ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга барвақт киришдилар. Шаҳар ҳокимининг қарори билан халқ хўжалигининг барча тармоқларида қилиниши лозим бўлган ишлар бирма-бир белгилаб берилди. Қарорнинг ижроси назорат остига олинди. Бунинг учун махсус комиссия тузилди. Унинг аъзолари ҳафтада бир марта мажлис ўтказиб, жойларда қишга тайёргарлик юзасидан ишларнинг боришини кўриб чиқмоқда.

Қиш мавсумига тайёрланишда уй-жойларни ҳозирлашга катта эътибор берилмоқда. Тўла ва жорий таъмирланиши лозим бўлган уйлар аниқланди. Шунга мувофиқ шаҳардаги 600 дан ортиқ кўпқаватли турар жойларнинг элликтасини тўла таъмирлаш назарда тутилди. Бунинг учун 250 миллион сўм сармоя ажратилди. Ҳозиргача бу маблағнинг анчагина қисми ўзлаштирилди. Шу ҳисобдан таъмирлаш учун зарур бўладиган қувурлар, томга ёпиладиган ашёлар, электр симлари, битум ва бошқа шу каби ашёлар сотиб олинди. Таъмирланиши лозим бўлган уйларнинг ярмига яқини тўла қўлдан чиқарилди. Сув, иссиқлик тармоқларининг ишдан чиққан қисмлари янгиланди. Энг муҳими уй-жойлар ва корхона-муассасаларни иссиқлик қуввати билан таъминловчи қозонхоналар барвақт тахт қилинди. Ўн битта шундай иншоот тўла таъмирланди. Бундан ташқари, уй-жойларни иситишда фойдаланиладиган 50 дона бойлер олиниб, шаҳарнинг биринчи ва иккинчи кичик туманларидаги кўп қаватли уйларда ўрнатилди.

Уй-жойларни қишга тайёрлашда тузилган уй эгалари ширкатлари ҳам фаол қатнашмоқда. Ҳозирга келиб уларнинг сони 21 тага етди, ҳаммаси жой, қурилиш ашёларини сақлаш учун омборлар, идора бинолари билан таъминланди. Ширкатлар ўз имкониятлари ва аъзолари сонига қараб ўнлаб уй-жойларга коммунал хизмати кўрсатмоқдалар, уларни қиш мавсумига ҳозирлаш билан боғлиқ бўлган аксарият юмушларни амалга оширмоқдалар. Чунончи, шаҳарнинг иккинчи кичик туманида ташкил этилган «Коммунал сервис» ширкатининг фаолияти таҳсинга сазовор. У 29 та кўп қаватли уй эгаларини ўзига бирлаштирди. Улар ҳар ойда ширкатга бадал тўлаб турадилар. Шу йўл билан топилган маблағга турли зарур қурилиш ашёлари сотиб олиниб, турар-жойларни таъмирлаш учун ишлатилмоқда. Ширкат ишчилари электр, иссиқлик қуввати, сув таъминоти, канализация тармоқларида носозликлар, бузилишлар содир бўлса, зудлик билан тузатиб бермоқдалар. Унда усталар навбатчилик қилишади. Ширкат раҳбари Абдулла Бойметов коммунал хизмат тармоқларида узоқ йиллар ишлаган, бу соҳада етарли тажрибага эга бўлган мутахассис. Шунинг учун ҳам ширкатда ишни пухта ташкил этган. Бадал маблағлари йиғилиши билан дарҳол зарур бўладиган ашёларни керагича тайёрлаб қўяди, уларни қидириб юришга хожат қолдирмайди.

Юздан ортиқ икки қаватли уй эгаларини ўзига бирлаштирган «Роҳат сервис» ширкати ва унинг раҳбари Д. Хўжақулов ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Ишни пухта йўлга қўйган бундай тузилмалар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг аксарияти ўз ишлари билан ширкатлар давр талаби ва ҳозирги шароитга жуда мос эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Ўтган йили халқ таълимига қарашли муассасаларни қиш мавсумига тайёрлашда кўпгина камчиликларга йўл қўйилгани катта ташвишга сабаб бўлганлигини чирчиқликлар яхши билишади. Натижада айрим билим ва таълим ўчоқлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келинди. Жорий йилда бундай ҳолатларнинг қайтарилмаслиги учун бу масала учинчи июлда бўлиб ўтган шаҳар кенгашининг ўн биринчи сессиясида кўриб чиқилди. Мактаблар, болалар боғчалари, мактабдан ташқари муассасаларга бу ишда оталик ёрдами кўрсатувчи корхона-ташкилотлар бириктирилди.

Кўпчилик меҳнат жамоалари масаланинг моҳиятини яхши тушуниб, у келажак авлоднинг саломатлиги ва билимдон бўлиши билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, дарҳол ишга киришдилар. Айниқса, «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси катта ҳиммат кўрсатиб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Бунинг учун бир неча миллион сўм маблағ ажратди. Шаҳардаги иккинчи, саккизинчи ва тўққизинчи мактабларни қишга тайёрлаш ишларини барвақт сифатли қилиб ниҳоясига етказди. «Кибо» қўшма корхонаси жамоаси эса, тўртинчи мактабга 300 минг сўм пул ажратди. «Ўзкимёлойиҳа» институтининг ёрдами янада салмоқли бўлди. Унинг жамоаси таълим муассасаларида таъмирлаш ишларини бажариш учун 3 миллион 600 минг сўм сарфлади.

Хусусий тадбиркорлик тузилмалари ҳам бу ишга ўз имкониятлари даражасида озми-кўпми ҳисса қўшдилар. Биргина «Латофат» хусусий фирмаси иккинчи болалар боғчасини қишга тайёрлаш бўйича таъмирлаш ишларига 400 минг сўмлик маблағ билан қарашиб юборди. «Чирком» қўшма корхонаси, «Ас-Самад», «Канахин» ва бошқа хусусий фирмалар ҳам бу ишга ўз маблағлари билан ёрдам бердилар.

Лекин, айрим саноат корхоналари раҳбарлари оталик ёрдами кўрсатиш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни пайсалга солмоқдалар. Улар орасида «Трансформатор», «Чирчиққишлоқмаш» акциядорлик жамиятлари, иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, автотранспорт саройи, «Ғунча» фабрикаси каби йирик корхоналарнинг борлиги афсусланарли. Улар ҳам ички имкониятлари ҳисобидан муайян ҳажмда ёрдам қўлини чўзишса бўларди. Бироқ, турли асосли-асоссиз баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмаяптилар. Ваҳоланки, оталик ёрдами кўрсатиш бўйича ўзларига бириктирилган мактаблар ва болалар боғчаларида шу корхона-ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ҳам тарбияланиб, таълим олаётган бўлса керак.

Шаҳар халқ хўжалигини қишли-қировли кунларда ишлашга ҳозирлашга қаратиб, белгиланган чора-тадбирларнинг анчагина қисми ҳамон қоғозда ётибди. Уларни тўла амалга ошириш учун ҳали кўп куч-ғайрат ва маблағ сарфлаш керак. Шундай бўлгач, бу ишда кескин бурилиш ясаш, бунинг учун мутасадди идоралар раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, мавжуд ички имкониятларни тўла сафарбар этиш лозим. Айниқса, жойларда ҳукм сураётган лоқайдлик, бефарқлик каби иллатларга барҳам бериш зарур. Бу ишни ҳеч қачон пайсалга солиб бўлмайди. Акс ҳолда у катта ташвиш туғдириши, қийинчиликларни вужудга келтириши мумкин.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

# «ТИЛ: ИСЛОҲОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ»

**Республика "Маънавият ва маърифат" марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда таниқли тилшунос олимлар, турли муассаса ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ана шундай мавзуда анжуман ўтказилди.**

Унда Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг изчил ижросини таъминлаш бўйича талай ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" нашрга тайёрлангани бу борада катта воқеа бўлди.

"Давлат тили: қонун ва ижро", "Тил - ўзликни англаш манбаи", "Давр, тушунча, атама" мавзуларидаги маърузалар тингловчиларда, айниқса, қизиқиш уйғотди.

***ЎзА.***

# ЯПОНИЯЛИК САНЪАТКОРЛАР КОНЦЕРТИ

**Япон боғида Кунчиқар мамлакат санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир "Silk road Uzbekistan Japan Inc" ва "Ўзэкспомарказ" томонидан ташкил этилди.**

Тадбирда таъкидландики, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, сиёсат, иқтисод, таълим соҳаларидаги ўзаро алоқалар янги босқичга кўтарилди, икки халқ бир-бирини, маънавий ва маданий салоҳиятини янгидан кашф этди, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизга эга эканлиги янада равшанлашди.

"Ўзэкспомарказ" ҳудудида яратилган Япон боғи бу борада ўзига хос марказга айланди. Унга ташриф буюрган одамларнинг айтишича, бу боғ Кунчиқар мамлакат билан танишиш имкониятларини кенгайтирди.

Япон санъатининг ўзига хос фестивалида тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари "Кабуки Рокс" гуруҳининг мусиқали дастури билан танишишди. Бу гуруҳ ижоди замонавий ва мумтоз япон санъатининг ўзига хос аралашмасидир.

Шунингдек, япониялик каратэ ва ниндзя усталари ўз жанговар маҳоратларини намойиш этишди.

***Н.УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Халқ банки:

# НАФАҚАЛАР ҚАТОРИ КРЕДИТЛАР БЕРИЛМОҚДА

**Республикамизда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтишда банк тизимининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Давлат томонидан ўтказилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш кўп жиҳатдан шундай муассасалар билан боғлиқ бўляпти.**

Хусусан, бу борада «Халқ банки»нинг туман ва шаҳарлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, банк бўлимлари аҳоли ва юридик шахсларга 100 дан зиёд турдаги хизматлар кўрсатишяпти. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам кенг кўламда тадбирлар амалга оширишмоқда.

Биргина «Халқ банки»нинг Юқоричирчиқ тумани бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги, «Болали оилаларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга «Болалар» нафақалари ҳамда қарамоғида икки ёшгача боласи бўлган оналарга белгиланган нафақаларни ўз вақтида берилиши яхши йўлга қўйилган. Бўлим томонидан ҳар ойда 38 миллион сўм миқдорида ана шундай нафақа пуллари тарқатилади.

Айни пайтда бўлим 400 нафар мижозга хизмат кўрсатмоқда. Эътиборли томони шундаки, эндиликда «Халқ банки» бўлимлари ҳам кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитларни бера бошлади. Жумладан, ушбу бўлим томонидан 2002 йилнинг 9 ойи давомида кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун 62 миллион сўмлик кредит ва микрокредитлар берилди.

— Бу маблағ ҳисобига туманда тошни қайта ишлаш, макарон ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ўнлаб кичик цехлар ташкил этилди, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Олимжон Нурматов. — Масалан, Маъмуржон Аҳмедовга хусусий тадбиркорлик учун 1 миллион сўм, М. Тўхтаназаровга ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шунча миқдордаги имтиёзли кредитлар берилди. Берилган кредитлар эса фоизлари билан ўз вақтида қайтарилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бюджет маблағларининг, нафақаларнинг нақд пул билан таъминланишига амалий ёрдам бермоқда.

Халқ банки бўлими томонидан фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратишни янада кўпайтириш, омонатчилар манфаатини ошириш, шунингдек, банклар билан икки ўртадаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар режалаштирилди. Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун фойдали, фоизи юқори бўлган омонат турлари таклиф этилмоқда. Бунда мижозларга йилига қўйилган сармоя ҳажмининг 50 фоизигача устама тўлаш белгиланган.

***Акбар АЛЛАМУРОДОВ.***



# ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛСА

«Йўлинг равон бўлса, машаққатинг оз бўлур» дейди халқимиз. Турли манзилларга элтувчи янги йўллар барпо этиб, мавжудларини таъмирлаб, автобекатлар қуриб, улардан фойдаланувчиларга имкон қадар қулайликлар яратиб бераётган жамоалардан бири — Чиноз тумани автомобил йўллари бошқармаси ишчи хизматчилари ўз ихтиёрларидаги замонавий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиб, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 280 миллион сўмлик иш бажардилар. Биргина август ойида 52 миллион сўмлик капитал сармоя ўзлаштирилди. Бундан ташқари, улар 21 миллион сўмлик ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга оширдилар. Айни вақтда бешта автобекат бунёд этишди, ўн километрга яқин узунликдаги йўлларга асфальт ётқизишди. Бошқарма жамоаси тумандаги барча катта-кичик йўлларни равон қилиш юзасидан ишларни кенг кўламда давом эттирмоқдалар.

*СУРАТДА: бошқарма раҳбари Равшанбек Салимбеков (ўнгда), ҳайдовчи Шавкат Жўрабеков ва кран машинисти Қаҳрамон Юсуповлар иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

Транспорт

# ГРАММЛАР КЕЛТИРГАН ДАРОМАД

**Олмалиқ шаҳридаги 3-автобаза жамоаси шу йилнинг ўтган даврида 40 миллион 431 минг сўм даромад олди.**

2001 йилда бу кўрсаткич 32 миллион 414 минг сўмга тўғри келган эди. Ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиш, аксарият эҳтиёт қисмларни устахонада қайта таъмирлаш, ёнилғи-мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш даромад ва соф фойданинг ортишига имкон яратди. Чунончи, автомобилларнинг юк кўтариш коэффициенти 101 фоизни, юк айланмаси 2 миллион 457 минг тонна-километрни ташкил этди. Ёнилғи сарфи бир тонна километр учун режалаштирилган 80,3 грамм ўрнига 72,93 граммга тўғри келди. Даромадга қараб буромад, деганларидай, кейинги ойларда эҳтиёт қисмларни харид қилиш учун аввалгидан кўпроқ — 1 миллион 200 минг сўм, автошиналар учун 2 миллион 100 минг сўм сарфланди.

Корхонанинг кўп юк кўтарадиган автомашиналари ҳар ойда Оҳангарон туманидаги Облиқ қурилиш ашёлари конига, Тошкент шаҳар қурилишларига, Олмалиқ шаҳридаги 8 та доимий буюртмачи ташкилотлар хизматига берилмоқда.

Унумли ишлаётган транспортчиларнинг олаётган даромадлари ҳам ёмон бўлмаяпти. Ҳайдовчининг ўртача ойлик маоши 57 минг 768 сўмга тўғри келаяпти. Бошқа туманларда йўлланмалар билан ишлаётган, зарарли иш ўрнида меҳнат қилаётганларга маъмурият томонидан 10 минг сўмдан қўшимча ҳақ тўланяпти. Улар учун бепул тушлик ташкил этилган.

Наврўз байрами, Мустақиллик байрами, автомобилчиларнинг касб байрамлари муносабати билан жамоа аъзоларини моддий рағбатлантириш яхши анъанага айланган. Дам олиш масканларида оилавий хордиқ чиқаришлар ҳам тез-тез уюштирилмоқда. Бунинг учун харажатлар маъмурият маблағи ҳисобидан ажратилмоқда.

Кам таъминланган оилалар, шу жамоада меҳнат қилиб, пенсияга чиққан кишилар ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

— Байрамларни, — дейди очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Эркин Тешабоев, — тўйларимизни жамоа аъзолари биргаликда нишонлаймиз, бир-биримизнинг қувончимизга шерик бўламиз. Кимнингдир бошига ташвиш тушса, жамоа бефарқ турмайди, ёрдам уюштирилади. Одамларимизнинг ҳамжиҳатлиги, бир-бирига меҳр-оқибати ана шундай кунларда билинади.

Меҳнат ҳам ҳаёт каби ширин, завқли бўлса, одамлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлсалар, бир-бирининг юзига кулиб қарасалар, яшаш қувончли, иш унумли бўлади. Ушбу жамоа аъзолари ана шундай йўлни танлаганлар.

***Темур ҲАЙДАРОВ.***

# ИШ КЎЗИНИ БИЛИБ

**Ангрен таркибига кирувчи Қизилтоғ шаҳарчасида кончилик саноати ривожланган. Геология-қидирув экспедицияси ҳам шу тармоқ корхоналаридан ҳисобланади.**

180 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган кончилар жамоаси у ерда янги конларни қидириб топиш ва ишга тушириш билан шуғулланмоқда. Шу кунларда улар қатор иншоотларда меҳнат қилаяпти. Хусусан, «Барит» корхонаси, асосан, табиий бойликлар захирасини аниқлаш ва қазиб олиш усулларини жорий қилиш ишларини олиб бормоқда. «Серен ота» конида эса, халқ хўжалиги учун зарур хом ашёлардан бири – темир қазиб олинаяпти.

Экспедиция жамоаси зиммасидаги вазифани тўла бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шу туфайли ҳам меҳнати самараси салмоқли бўлаяпти. Кончилар жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида ишлаб чиқаришдан 48 миллионлик соф фойда олишган. Бунинг асосий қисми технологик жараёнларни такомиллаштиришга сарфланяпти. Айни вақтда шаҳарчада олиб борилаётган турли ободонлаштириш ва саховат ишларига ҳам маблағ ажратилмоқда. Яқинда йўлларни янада текис ва равон бўлиши учун 2 миллион сўм ўтказилди.

***Салима ЯМИНОВА.***

Суратли айбнома

# СУВНИНГ ТОМЧИСИ ҲАМ ЗАР

**Пскент тумани Охунбобоев ширкат хўжалиги идораси олдидаги ушбу манзарани кўрган киши беихтиёр шундай дейиши аниқ.**

Бир ойдирки, жўмраксиз қувурчадан оқиб ётган сувни тўхтатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Хўжалик раҳбарлари ҳам унинг ёнидан бепарво ўтиб кетадилар.

Бир сония ичида 1 литр сув оқиб тушяпти. Ўтган муддат ичидаги сув сарфини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

— Мен шу ердаги дорихона раҳбариман, — дейди Раъно Азимова. — Бир ой илгари бу ерда сувдан нишона ҳам йўқ эди. Аммо, ҳозиргача ҳам исрофгарчиликка барҳам беришни ҳеч ким ўйламаяпти.

— Инсоф, исроф деган тушунчаларни унутиб қўяяпмиз, шекилли, — дейди ўзини Қамбар ота Салимов деб таништирган йўловчи. — Қизимни шу ерга узатганман, унинг айтишича, бу сув анчадан буён оқаяпти. Агар шаҳардаги каби сув ўлчагичлар ўрнатилган бўлганида, бундай манзарани кўрмасдингиз...

Ҳа, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шу бўлса керакда.

***Даврон АҲМАД.***
***Муаллиф олган сурат.***



Ислоҳот

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

**Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сари тутилган изчил йўл ва амалга оширилаётган тадбирлар хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун шарт-шароитлар яратмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотларига асосан 2001 йилда мўлжалланган инвестиция дастурига кўра, ҳукумат кафолати остида берилган инвестициялар ва кредитларнинг умумий суммаси 302,8 миллиард сўмни ташкил қилган. Шундан хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳиссаси 46,9 миллиард сўмга тўғри келди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларига, шу жумладан, Ўзбекистон кимё саноатининг мўътадил фаолият кўрсатишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва унинг истиқболини белгилаш мақсадида хорижий инвестицияларни киритишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада жамият эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш кўпайяпти. Жумладан, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида маҳсулотлар ҳажмининг ўсиши ишлаб чиқариш қувватини оширишга, олинаётган фойданинг кўпайишига ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга ўз таъсирини кўрсатаётир.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимиз кимё саноатида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Тармоқ корхоналарида бошқариш тизимини такомиллаштириш, уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги 124-сонли қарори қабул қилинди. Унга биноан, «Ўзкимёсаноат» ДАК ташкил қилиниб, унинг таркибига 35 та корхона ва ташкилотлар киритилди.

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, МДҲ давлатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кескин камайганлиги кузатилган, аммо ушбу жараён мамлакатимизда ижобий ҳисобланади. Сабаби, мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ўз вақтида қабул қилинган ва хорижий инвесторларни жалб қилиш натижасида тармоққа янги технологиялар киритилган.

Шу билан биргаликда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, кимё саноати корхоналарини етарли даражада сифатли хом ашё билан таъминлаш, бунда маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Иккинчидан, ҳозирги босқичда минерал ўғитларнинг турларини кўпайтириш, айниқса, аммиак, селитра, карбомид, сульфат аммоний, аммофос ва бошқа ўғитларни ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш муҳимдир.

Учинчидан, бунинг учун янги замонавий технологик қурилмалардан кенг ва самарали фойдаланиш керак. Тўртинчидан, маҳсулот сифатини ошириш, мураккаб ва комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш, уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш лозим.

Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида бир қатор вазифаларни ҳал этиш тақозо қилинади. Маълумки, кимё саноати ҳануз 1960-1970 йилларда бунёд этилган технология асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватга асосланган ҳолда фаолият юритмоқда. Бунинг учун тармоқда инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва такомиллаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия талабчанлиги юқори даражада. Бундай технологик жараёнларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергияни тежаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Энг муҳими, кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инсон омилига асосий эътибор қаратиш лозим. Экологик ва иқтисодий талабларга жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамиша диққат марказида туриши керак. Ҳозирги кунда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, бу кимё маҳсулотлари сифатини кўтариб, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва республикамиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга олиб келади.

***Муҳаммаджон ЙЎЛЧИЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.***

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




**69-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шарҳланаётган 69-моддасини амалга ошириш йўллари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамланган. Бу қонунда Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши шакллари, уларни тузиш, ўзгартириш, чегараларини ва номларини ҳисобга олиш тартиби кўрсатилган. Маъмурий-ҳудудий бўлакларнинг чегаралари маълум тартибда ўзгартирилади. Юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан Қорақалпоғистон Республикаси чегараси фақат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тавсиясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таклифига мувофиқ, Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг чегарасини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг тавсиясига асосан, Қорақалпоғистон ҳукуматининг таклифи билан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар, овуллар ва шаҳарчаларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг тавсиясига биноан, вилоят халқ депутатлари Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса, Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, қишлоқлар ва овулларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби ҳам кўрсатилган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг марказини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади. Вилоят марказларини белгилаш ва ўзгартириш эса тегишли вилоят ҳокимларининг тавсиясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Туман, қишлоқ, овулларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг тавсиясига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган қонунда шаҳарларнинг бўйсуниш тартибини ўзгартириш ва аҳоли яшаш жойларини шаҳарлар, шаҳарчалар тоифасига ўтказиш тартиби ҳам кўрсатилган. Қоннунинг 10-моддасига асосан шаҳарларни вилоят итоатидаги шаҳар тоифасига ўтказиш, уларни ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг тавсиясига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг таклифи билан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни республика итоатидаги шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси) тоифасига ўтказиш, уларни ўзгартириш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар, аҳоли яшайдиган пунктларни туманга итоат этувчи шаҳарлар тоифасига ўтказиш, уларни ўзгартириш тегишли вилоят ҳокимларининг тавсиясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таклифи билан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикасида эса бу масала тегишли туман ҳокимларининг тавсиясига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифи билан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қонунда бундан ташқари шаҳар чегараларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш тартиби кўрсатилган. Бу масала мазкур тартиб бўйича тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таклифи билан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар чегараларини ўрнатиш ва уни кенгайтириш тегишли туман ва шаҳар ҳокимларининг тавсиясига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифи билан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни бошқа жойга кўчириш, аҳоли яшайдиган пунктларни шаҳарчалар, шаҳарлар тоифасига кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликларни номлаш, номини ўзгартириш масаласига бағишланган қарорлар, албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномасида чоп этилиши керак.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

Меҳнат ва самара

# РЕЖА ЎН ОЛТИ КУНДА БАЖАРИЛДИ



**«Янги ҳаёт» — нафақат Бекобод тумани ёки Тошкент вилояти, балки республикадаги энг йирик ширкат хўжаликларидан бири. Унинг шоличиликка ихтисослашганига ҳам кўп йиллар бўлди. Йилига 2500 гектар атрофидаги майдонда шоли етиштирилади.**



Аммо шартнома режасини бажаришда турли узрли-узрсиз сабаблар туфайли узилишлар бўлиб турарди. Фақат иш юритишнинг ширкат усулига ўтилиб, иқтисодий омилларга устиворлик берилгач, хўжаликда туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Аввало экин майдонлари 180 оилавий пудратчига расмий ҳужжатлар асосида бириктирилиб, чек дафтарчалари жорий этилгани шоликорларнинг ўз меҳнатлари пировард натижасига нисбатан моддий манфаатдорлигини оширди. Улар хўжаликнинг молия-ҳисоб маркази билан бевосита алоқани мустаҳкамлаб, ҳар бир агротехник тадбирни аниқ ҳисоб-китоб билан амалга оширадиган бўлдилар. Бунда хўжалик бошқаруви билан пудратчилар ўртасида тузиладиган шартнома қонуний ҳужжатга айланди. Пудратчилар шартнома бўйича ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни вақтида ва маромига етказиб бажариш билан бирга, бошқарув раҳбарларидан ҳам шартнома шартларига оғишмай риоя этишларини талаб қилишга одатландилар. Шу тариқа шартнома тузган икки томоннинг ҳам масъулияти кучайди, манфаатдорлиги ортди.

Кейинги йилларда юз берган ана шу ўзгаришлар ниҳоят, бу йилги мавсумда ўз самарасини кўрсатди. Асосан, «Узрос 7-13» навли шоли экилган 2578 гектар майдонда ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Бироқ ҳосил етиштирилгани иш битди дегани эмас. Асосий масала уни қисқа муддатда ўриб-янчиб, саранжомлаб олишда. Зеро, ўрим-йиғим чўзилиб, ҳосилнинг анчагина қисми ёғин-сочин кунларга қолиб кетган пайтлар кўп бўлган. Бошқарув раҳбарлари бу йил ана шу камчиликка йўл қўймаслик мақсадида олдиндан ўрим-йиғим стратегиясини ишлаб чиқдилар. Биринчи навбатда, дон комбайнларини иложи борича кўпроқ жалб этишга, уларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда вилоят МТП бирлашмасидан 38 та «КЕЙС» ҳамда хўжаликнинг 11 та «ЕНИСЕЙ» комбайнлари сафарбар қилинди.

Иккинчидан, ўрим-йиғим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Шу жумладан, ҳосилдорликни 60-70 центнерга етказган шоликорлар учун гилам, полос ва бошқа қимматбаҳо мукофотлар белгиланди.

Моддий манфаатдорлик таъминлангани боис шолига ўроқ тушган дастлабки кунларданоқ ўрим-йиғим суръати кескин ошди. Ўриб янчилган шолини пешма-пеш омборларга ташишда уюшқоқлик, сафарбарлик кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Ҳар битта «КЕЙС» билан кунига 5-6, «ЕНИСЕЙ»да эса 2,5-3 гектар, жами 220-250 гектар майдондаги ҳосил ўриб-янчилди. «САРБОН» автокорхонасидан жалб этилган 80 дан зиёд автомашина уни омборга пешма-пеш ташиб турди.

Шундай қилиб, давлатга хўжалик тарихида биринчи марта 16 иш кунида 5411 тонна шоли топширилиб, шартнома режаси муваффақиятли бажарилди. 20 иш кунида эса, умумий хирмон 8500 тоннадан оширилиб, шоли етиштириш режаси ҳам уддаланди. Умумий ер майдонига нисбатан ўртача ҳосилдорлик 33 центнердан ошди. Орол Султонов, Ҳамдам Абдиев бош бўлган пудратчилар эса, ҳозиргача ҳосилдорликни 38 центнерга етказиб, хўжаликнинг умумий хирмонига баракали хисса қўшдилар.

Давлатга сотилган шолининг 500 тоннаси уруғлик сифатида қабул қилингани ҳисобга олинса, бу йил шоликорларнинг даромади чакки бўлмайди.

— Ўтган йили умумий даромад 650 миллион сўм, соф даромад эса, 10 миллион сўм бўлган эди, — дейди бошқарув раиси Хўжаназар Орзиқулов. — Бу йил умумий даромад 900 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Демак, соф даромад ҳам салмоқли бўлиб, шоликорларимиз дурустгина ҳақ оладилар.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***



*СУРАТЛАРДА: шоли тозалаш цехи ишчиси Икром Қўзибоев; хўжалик бош ҳосилоти Хусанбой Мирзаев бош пудратчи Мирзааҳмад Қўзибоев билан суҳбатда; шоли омборида иш қизғин.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

Тадбир

# ҲАМ ТАРҒИБОТ, ҲАМ КЎМАК

**Республика «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг соғлом туғилиши ва уларни тарбиялаб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида жойларда ўқув машғулотлари ўтказмоқда.**

Жумладан, Бўстонлиқ, Зангиота, Паркент, Бекобод туманларида аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида камқонлик касаллигининг олдини олиш мавзусида ташкил этилган ана шундай машғулотлар республика гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Ушбу машғулотларда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч масканлари директорлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Машғулотлар давомида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобова касалликнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гематология ва қон қуйиш институти илмий ходими Гулистон Ҳасанова камқонлик хасталигининг аломатлари ва асоратлари ҳамда бу касалликнинг олдини олиш тартиб-қоидалари ҳақида маъруза қилди.

Г.Ваҳобова машғулотлар сўнгида унда иштирок этган аёллар ҳамда ўсмир қизларга «Камқонликнинг олдини олайлик» деб номланган махсус буклетларни, республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси орқали Американинг «Ситти Хоун интернейшнл» ташкилоти томонидан юборилган «Ниферекс» дориларини ҳамда гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти тақдим этган эслатмаларни топширди.

Шундай ўқув-машғулотларини вилоятнинг яна еттита туманида ўтказиш режалаштирилмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***

# «СОҒЛОМ» АҲОЛИСИ МИННАТДОР

**«Соғлом» Ангрендаги ҳудуди йирик маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ундаги йўлларнинг узунлиги 15 километрни ташкил этади. Бу йўллар ҳолати яқин-яқинларгача яхши эмасди. Облиқ номаъдан қурилиш ашёлари комбинати, Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси ишчи-хизматчилари уларга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар.**

Шундан сўнг маҳалланинг барча йўлларида ҳашар ишлари бошланиб кетди. Унда истиқомат қилувчи ҳамма кексаю ёшлар фаол қатнашдилар. Корхоналар вакиллари ёрдами билан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Йўллар текисланди, ирригация шаҳобчалари тартибга келтирилди, кўчаларнинг икки томони ободонлаштирилди. Облиқ номаъдан қурилиш ашёлари комбинати йўлларни таъмирлаш учун икки юз тонна қумшағал, кўп миқдорда бетон қоришмалари ажратди. Бу ашёларни ўз автотранспорти билан ташиб берди. Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси эса маҳаллага ўн тўртта юк машинасида асфальт етказиб берди.

— Маҳалламиз аҳолиси йўлларни ободонлаштиришда бизга беминнат ёрдам берган меҳнат жамоалари ва уларнинг раҳбарлари саховатидан бениҳоя миннатдор бўлдилар, — дейди «Соғлом» маҳалласи оқсоқоли Маматали Умаров. — Улар бўлмаганида бу ишларнинг уддасидан чиқишимиз анча қийин кечарди.

***Ўз мухбиримиз.***

«Ватанпарвар» ўқувлари

**Ҳамидулла ака яқинда ўғли Нурилла хизмат қилаётган ҳарбий қисм командиридан ташаккурнома олди. Унда шундай сўзлар бор эди:**

«...Ҳурматли Ҳамидулла Ҳабибуллаевич! Сизнинг ўғлингиз ўзининг ўткир зеҳни, одоб-аҳлоқи туфайли, шунингдек, армия сафига чақирилгунга қадар ҳарбий билимларни тўла эгаллаганлиги боис, бу ерда барча топшириқларни аъло даражада бажариб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Айниқса, ҳарбий техникаларни бошқариш ва улардан фойдаланишдаги муваффақиятларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим... »

Шу муносабат билан ҳарбий қисм раҳбарияти мамлакатимиз мудофааси сафларига ана шундай аскарни етказиб беришдаги ҳиссангиз учун сизга ўз миннатдорчилигини билдиради».

# МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

Ота-она учун бундан ортиқроқ бахт ва севинч бўлмаса керак, албатта.

Нурилла бошланғич ҳарбий таълимни Чирчиқ автомобил мактабида олган эди.

Кейинги йилларда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси мамлакат мудофааси сафларига ҳар тарафлама баркамол аскарларни юбормоқда. Бунда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг ҳиссаси самарали бўлмоқда.



Шу йилнинг биринчи ярмида бошланғич ҳарбий тайёргарлик кўрсаткичлари бўйича Тошкент вилояти кенгаши республикада тўртинчи ўринга кўтарилди. Бу натижа замирида «Ватанпарвар» ташкилоти жамоаларининг билим ҳамда маҳорати, шунингдек, катта меҳнати ётибди.

— Дастлаб, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Карим Ваҳобов. — Оҳангарон, Қуйичирчиқ, Паркент, Чиноз туманлари, Чирчиқ шаҳар кенгашлари ташаббуси билан 20 га яқин бошланғич ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув юртлари, бошқа ташкилот ва муассасаларда улар янгидан иш бошлаб, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлай бошладилар.

Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл ҳамда Келес автомобил мактаблари, шунингдек, Қибрай техника мактабининг фаолияти бирин-кетин йўлга қўйилди. Бошқа шаҳар ва туманларда ҳам спорт-техника клубларининг ишлари жонлантирилди.

Бу мактабларда ёшлар «ярим аскар» бўлиб етишадилар. Уларга асосан тўрт йўналиш бўйича таълим-тарбия берилади. Биринчи йўналиш ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, бунда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилиб, жойларда турли мусобақалар уюштирилмоқда.

Қибрай техника мактабида ўтказилган «Ҳарбий хизматга тайёргарлик кўриш, ҳарбий-техник мутахассисликларни ўқитиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир», шунингдек, Чирчиқ автомобил мактабида ўтган «Миллат ва маънавият» ҳамда «XXI аср ёшлари ва миллий маънавият, одоб-аҳлоқ тарбияси» ва бошқа мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир.

«Ватанпарвар» фаолиятининг иккинчи йўналиши эса, қуролли кучларга мутахассислар тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда ёшлар ўндан зиёд ихтисосликка ўқитилади. Учинчи йўналишда халқ хўжалигига техник мутахассислар етказиб берилади. Техник муҳандислар, ҳайдовчилар, автомобил таъмирловчи усталар ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа бир қанча мутахассисликлар бўйича ёшлар билим ва тажриба орттиришади. «Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш» йўналишида ёшлар парашютдан сакраш, денгиз кўпкураши, мерганлик ва бир қатор турлар бўйича маҳоратларини оширадилар. Бу борада турли спорт мусобақаларини ўтказиб бориш ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, Пскент тумани кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўтказган ҳарбий кўпкураш мусобақаси, шунингдек, Паркент тумани мактабларидаги мерганлик беллашувларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Маҳаллаларда «Ёш посбонлар» клублари ҳам ташкил этилмоқда. Чунончи, Паркент туманидаги Гулбоғ, Обжувоз, Истиқбол, Бешкапа ва Бекобод туманидаги Бўстон маҳаллаларида, шунингдек, Қуйичирчиқ туманидаги 6 та маҳаллада ана шундай клублар иш бошлади. Бу ерда ҳам ёшлар турли ҳарбий билимларни эгаллашаётир.

Бу йил ёшларни чақирувга тайёрлаш якунлари бўйича Келес, Ангрен автомактаблари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Уларда икки юздан зиёд бўлажак аскарларга таълим-тарбия берилди.

Барча ўқув ташкилотларида ўқув-лаборатория хоналари, устахоналарни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ўқув-моддий негизини такомиллаштириш режалари амалга оширилаётир. Ангрен автомобил мактаби янги бинога ўтганлиги боис 2001-2002 ўқув йилида унинг 50 фоиздан зиёд ўқув-моддий негизи қайтадан барпо этилди.

«Ватанпарвар» бугун ривожланиб бораётган ташкилотлардан бири. Унинг мақсади юртимиз ҳимояси учун соғлом ва баркамол аскарларни етиштириб беришдир. Бу мақсад эса, ташкилотнинг барча бўғинларини янги-янги ташаббуслар сари етаклайверади.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида ўтган ҳафтада битта биржа савдоси бўлиб ўтди. Биржа савдосида жами битта нодавлат автотранспорти ва иккита асбоб-ускуналар 706,0 минг сўмга сотилди.**

**«Тошкент ҳақиқати»** газетасининг 2002 йил 18 сентябрдаги 75-сонида берилган эълонда «Паркент тумани «Номданак» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган, «жами 47 та ер майдонлари» – «жами 27 та ер майдонлари» деб ўқилсин ва ушбу ер майдонларининг ким ошди савдоси 30 октябрда бўлиб ўтиши эътиборга олинсин.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 2002 йил 27 ноябрь, 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги танлов савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармасига тегишли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-09 ТНС бўлган «Nexia» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 185 200 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти Иқтисод ва статистика бош бошқармасига тегишли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 TV 230 бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 160 000 сўм.**

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва мулк учун баҳолаш хизмати ҳақи алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзилимиз:** *Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.*

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**2002 йил 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган Тошкент вилоятида жойлашган қуйидаги объектлар қўйилади.**

1. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги Тўй-тепа трассасида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 37 355 АҚШ доллари.**

2. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Тошкент-Ангрен трассасида жойлашган 67-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (67-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 39 802 АҚШ доллари.**

3. Тошкент вилояти Чиноз тумани Тошкент-Термиз автошоссесининг 46-километрида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 74 731 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз:** *Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.*

**Маълумот учун телефонлар:** 136-26-26, 136-28-75.
**Факс:** 136-06-17.
www. uzrkmb. com

**Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиалига ҳам мурожаат қилиш мумкин.**

**Манзилимиз:** ***Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.***
**Телефонлар:** ***133-28-52, 132-00-37.***
**Факс:** ***133-43-73.***

